ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 122 (9.772) 2002 йил 16 октябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Шаҳримизда кўпгина замонавий иншоотларнинг бунёд этилишида 2-кўчма механизациялашган бошқармаси акционерлик жамиятига қарашли 12-трест қурувчиларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

СУРАТДА: ушбу трестнинг моҳир қурувчиларидан Алишер Турғунбоев ва Собит Исмоилов.

ҚИСҚА сатрларда

● **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида 1-курс талабалари ҳамда ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Талабалик муборак!» деб номланди. Унда 1-курс талабаларига талабалик гувоҳномаси топширилди.

● **РЕСПУБЛИКА** бизнес марказида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида уюштирилган бизнес-семинарда маҳаллий тадбиркорлар билан бирга Германиядан ташриф буюрган ишбилармонлар ҳам иштирок этишди.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ»** меҳмонхонасида тадбиркорлар, иқтисодчилар иштирокида ўтказилган тадбирда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш мақсадида Швейцария ҳукумати томонидан сармоя ажратилганлиги маълум қилинди.

АНЖУМАНЛАР

«Инновация — 2002»

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Инновация — 2002» халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман шўъбаларида «Ёшлар муаммолари ва таълим», «Халқ хўжалиги тармоқларида инновацион технологик жараёнлар», «Табиий, минерал хом ашё ва ёнилғи-энергетикаси ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишнинг инновацион технологиялари», «Кон иши ва металлургия», «Автоматик ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари», «Математика, математик моделлаштириш», «Информацион технологиялар», «Сув. Чўл. Экология» каби йўналишлар бўйича олимлар ва ёшларнинг 120 га яқин маърузалари тингланди ва илмий-амалий ишлари тақдим этилди. Улар орасида қатор хорижий давлатлар вакилларининг долзарб мавзудаги илмий маърузалари ҳам бор. Анжуман қатнашчилари TACIS дастури доирасида шаҳар хўжалигида европача энергия тежаш технологиялари кўргазмаси, ҳамда пойтахтнинг айрим турар жой даҳаларидаги тажрибалар билан танишдилар. Анжуман материалларининг «Илмий мақолалар тўплами» сифатида нашр этилганлиги олимлар ва амалиётчиларнинг фикр алмашиш имкониятини янада кенгайтирди. Илмий ишларни чоп этиш ва анжуманни ташкил қилишда «Қизилқумнодирметаллолтин» Давлат концерни, «Ўзбекистон» илмий-саноат, ташқи иқтисод ва амалий ҳамкорлик ассоциацияси, Тошкент Давлат техника университети, «Стратегик Инновациялар ва информатизация маркази», «Ўзбекўқувавтоматика» республика маркази каби ташкилотларнинг ҳомийлиги анжуман қатнашчилари томонидан эътиборга лойиқ деб таъкидланди.

Навбатдаги анжуманни ҳам 2003 йил октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЛОНДОНДА ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Буюк Британия пойтахти — Лондон шаҳрида жойлашган муҳташам «Хай Вайкомб» спорт мажмуи ўз бағрига ўзбек курашига қизиқувчи ёшлар ва уларнинг мухлисларини чорлади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Кураш халқаро ассоциацияси Фахрий Президенти Ислом Каримов номи билан аталувчи анъанавий халқаро турнир учинчи марта ташкил қилинди.

Ҳам ёшлар, ҳам катталар ўртасидаги беллашувларда Британия Қироллиги тасарруфидаги давлатлар ва кураш ватани — Ўзбекистондан полвонлар иштирок этди. Ўғил болалар беш, қизлар эса тўрт вазн тоифасида гиламга чиқди. Кураш оламидаги янги номларни кашф қилиб берган мазкур мусобақанинг, айниқса, мутлақ вазн тоифасидаги баҳслари қизиқарли кечди. Унинг финал беллашувида ўзбекистонлик икки полвон — яқиндагина кураш жозибасини Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида кўргазмали чиқишлар орқали намойиш этган Иброҳим Каримов ва Илҳом Шералиев ўзаро учрашди. Унда Иброҳим полвоннинг қўли баланд келди.

Буюк Британия Кураш федерацияси раҳбари Тим Томас ташаббуси ва ташкилотчилигида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган турнирда бу гал вазни 30-36 килограмм келадиган болалар ҳам ўзбекона якгак кийиб, куч синашгани эътиборга лойиқ. Бу Европа ёшларининг миллий спортимизга бўлган катта қизиқишидан дарак беради.

Лондонда Ислом Каримов турнири ўтаётган бир пайтда Кураш халқаро ассоциациясига GAISF (Халқаро спорт федерациялари бош ассоциацияси) қароргоҳи жойлашган Монте Карло шаҳридан ХКА президенти Комил Юсупов номига хат келди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Жаноб К.Юсупов! Биз сизнинг ташкилотингиз фаолиятини мунтазам кузатиб келмоқдамиз. Кураш халқаро ассоциациясининг оламшумул ютуқларидан хабардормиз. Шунинг учун ҳам ХКА GAISFнинг муносиб аъзоларидан бири бўлиши учун Сизни 2002 йилнинг 22 октябрь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтадиган ассамблея йиғилишига таклиф этамиз».

Таъкидлаш жоизки, GAISF — Халқаро олимпия қўмитасидан сўнг спорт оламидаги энг нуфузли ташкилот саналади. Дунёга чиққан янги спорт турларининг Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олишида GAISF томонидан бериладиган йўлланма муҳим ўрин тутади.

Демак, 1998 йил 6 сентябрь (ХКА тузилди), 2002 йил 4 октябрь (кураш Осиё ўйинлари таркибига киритилди) каби муҳим саналар қаторидан 22 октябрь ҳам ўрин олади — кураш GAISF га аъзо бўлади. Олдинда эса янги манзил, янги довон — Олимпиада чорламоқда.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МАЪНАВИЯТ

«Муқаддас пойтахтимиз» фильми намойиши

Яқинда жамоатчилик ана шундай ижодий изланишлар маҳсули бўлмиш «Ўзбекистон» телеканали орқали намойиш этилган «Муқаддас пойтахтимиз» фильмини мароқ билан томоша қилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ва «Ўзбектелефильм» томонидан яратилган бу асар сўнгги даврнинг муваффақиятли телефильмлардан бири сифатида эътироф этилди.

Фильмда Тошкентнинг тарихи, ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи қамраб олинган. Ушбу асар мазмунини ёритишда клиплардан самарали фойдаланилган. Клипда Тошкентни дунёдаги энг гўзал шаҳарга айлантириш, нурли замонга эришиш йўлидаги меҳнат, бунёдкорликнинг шоҳ асарлари ва пойтахтнинг том маънодаги бош меъмори — Президент Ислом Каримовнинг барча хайрли ўзгаришлардаги ташаббускорлик, муаллифлик роли оддий ва таъсирли ифодалаб берилган.

Фильмдаги Дилором Омонуллаева, Насиба Абдуллаева, Фарруҳ Зокировлар томонидан ижро этилган қўшиқларга ишланган клиплар ҳам кишини ўйлантиради. Она шаҳримиз тақдири, дориломон кунлар шукронаси тўғрисида мулоҳаза юритишга чорлайди. Айниқса тунги Тошкент қиёфаси вертолётдан туриб тасвирга туширилган кадрлар кўзни қувнатади. Тунги пойтахтимиз миллионлаб чироқлари, нурли безаклар ифодасида янада гўзал ва тароватли бўлиб кўзга ташланади.

Бир сўз билан айтганда, «Муқаддас пойтахтимиз» фильмида Мустақиллик даврида Тошкентнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги, пойтахт аҳлининг улуғ бунёдкорликдаги иштироки, мўътабар шаҳримиз мамлакатдаги хайрли ўзгаришларнинг бошловчисига айланганлиги моҳирона ифода этилган. Албатта ҳар биримиз шу муқаддас юрт фарзанди сифатида Ўзбекистонимизни янада гуллаб-яшнашини истаймиз. Шундай экан, халқимизнинг буюк бунёдкорликларга чорловчи «Муқаддас пойтахтимиз» каби асарларнинг кўпроқ яратилиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мақсуд ОРИПОВ

ТАҚДИМОТ

Ҳамкорлик истиқболлари

Ўзбекистон ва Германия ўртасида илмий -маданий алоқаларнинг ривожланиши, шубҳасиз, иккала давлат халқларини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган немис олими Улрих Рудольф қаламига мансуб, «Абу Мансур ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» китобининг тақдимот маросими юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Шарқ уйғониш даврининг буюк илоҳиётчи алломаларидан бўлмиш Абу Мансур ал-Мотуридий қолдирган мерос нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бугунги кунда ўзбек китобхонларига ҳавола этилаётган ушбу китоб Улрих Рудольф томонидан амалга оширилган кўп йиллик илмий изланишлар самарасидир. Китоб илмий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди ва юксак баҳоланди. Бу тасодифий ҳол эмас эди, албатта. Зеро, мотуридия номи билан шуҳрат қозонган Самарқанд илоҳиёт мактабига бағишланган мазкур тадқиқотнинг буюк аллома ал-Мотуридий ворислари тилида нашр этилишининг ўзига хос қимматли жиҳатлари бор. Энг муҳими, асарнинг ўзбекча нашри асрлар оша хизмат қилиб келаётган мотуридийлик каломининг туб мазмун-моҳиятининг янада чуқурроқ идрок этишига хизмат қилади. Бундан ташқари мусулмон илоҳиёти бўйича ўзбек тилидаги биринчи жиддий ва батафсил нашр хусусиятини касб этади.

Бахтиёр КАРИМОВ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Дастлабки беллашувлар ўтказилди

ЎТГАН КУНИ

Тошкент теннис марказида теннис бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Марказий корт узра мусобақада қатнашувчи барча ўн беш мамлакат катта теннис усталари сафланишди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Осиё теннис федерациясининг ижрочи директори жаноб Шунругам Утрапати Ўзбекистоннинг спорт, айниқса теннисни ривожлантиришдаги ютуқлари ҳисобга олингани ҳолда Тошкент шаҳрида ўтказилаётган мазкур чемпионат сахий ўзбек заминида яна икки бор ташкил этилишини таъкидлаган ҳолда мусобақа иштирокчиларига омад тилади. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов ҳам чемпионат иштирокчиларини катта теннис байрами билан қутлар экан мазкур мусобақа нафақат Ўзбекистон, балки Осиё теннис федерациясига аъзо бўлган барча мамлакатлар спорти тарихида ёрқин саҳифа бўлажагини таъкидлади.

Сўнг кортга ҳамюртимиз Дмитрий Мазур ва Қозоғистон вакили Алексей Кедрюклар тушишди. Ҳар иккала теннисчининг кучлари деярли тенг бўлса-да Кедрюк беллашувни йиғинчоқлик билан ўтказди. Натижада у биринчи сетда 6/3, кейинги сетда эса 6/4 ҳисобида ғалаба қозонган ҳолда кейинги босқичга чиқди.

КЕЧА

эркаклар, аёллар ва аралаш жуфтликлар ўртасида 1/16 финал беллашувлари бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашишди. Хусусан, Дмитрий Томашевич Тожикистон вакили Сергей Макашинни 6/2, 6/2 ҳисобида енгган бўлса, Иванна Исроилова Жанетта Халлиева (Туркманистон) устидан 6/1, 6/4 ҳисобида устун келди. Аёллар ўртасида учта беллашувда ўзбекистонлик теннисчилар ўзаро куч синашишди. Ушбу баҳсларда Елена Рябцева Аглая Кокуринани 6/0, 6/3, Элеонора Сидземилова Александра Сорокатягани 6/3, 6/2, Наргиза Ибрагимова эса Кристина Солодовниковани 6/0, 6/2 ҳисобида мағлуб этди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Хе Сок Хьюнг (Жанубий Корея) — Ашкан Шокофий (Эрон) — 6/2, 6/3, Анна Патрика Сантос (Филиппин) — Елена Мамутова (Ўзбекистон) 6/1, 6/2, Диас Дўсқораев (Қозоғистон) — Хао Лю (Хитой) 6/4, 6/7(4), 6/3.

ЭРТАГА

чорак финал беллашувлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: Осиё чемпионатининг очилиш маросими ва дастлабки беллашувлардан лавҳалар.

Сергей Любчич олган суратлар.

Тошкент аэропортида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси тантанали кутиб олинди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЮЗИ ЁРУҒ

— Пусанга жўнаб кетишдан олдин биз, боксчилар бешта олтин медални қўлга киритишни ният қилган эдик, — деди Осиё ўйинлари чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров. — Мана, орзуимиз ушалди, она-Ватанга ёруғ юз билан қайтдик. Ўзбекистоннинг умумжамоа ҳисобида юқори ўринлардан бирини эгаллашига ҳиссамизни қўшганимиздан беҳад мамнунмиз.

29 сентябрдан 14 октябргача давом этган Осиё ўйинларида 214 нафар ҳамюртимиз спортнинг 24 тури бўйича қатнашди. Вакилларимиз 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза — жами 51 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида қирқдан зиёд мамлакат орасида фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

Спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Ҳ.Кароматов, Ў.Исмоилов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Маҳалла ва экология

Бугунги кунда экологик вазият жаҳон афкор оммасини ташвишга солаётган муаммолар сирасига киради. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган анжуман айнан ана шу мавзуга бағишланди.

«Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда маҳаллаларнинг ўрни» деб номланган ушбу анжуманда пойтахтимизнинг бугунги кундаги экологик аҳволи ва муаммолар ҳамда «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳақида ахборот берилди. Келгусида қилиниши лозим бўлган тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Хуррият садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-15 октябрь кунлари жойларда ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бўлди.

● Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ўтказган «Кекса авлоднинг оиладаги ва жамиятдаги роли ҳамда ёшларни тарбиялашда улар фаолиятининг аҳамияти» мавзуидаги давра суҳбати Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди.

● Вазирлар Маҳкамаси Алоқа ва ахборот — телекоммуникация технологиялари масалалари мажмуининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Шу кунларда мамлакатимизда НАТО Парламент Ассамблеяси делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳам бўлдилар.

● Тошкент шаҳар прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, республика Конституциявий ҳамда Олий судлари ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг гарови» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Миллий матбуот марказида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Грециянинг «ЕМКАТ» компанияси раҳбарлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳрининг қутлуғ тўйи арафасида Қорақалпоғистон пойтахтида 650 ўринли замонавий ёпиқ бозор фойдаланишга топширилди.

● Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган шу кунларда «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси вакиллари пойтахт вилоятининг Янгийўл туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги пахтакорлари ҳузурида бўлдилар.

● **Эртага** Тошкентда Ўзбекистон неврологларининг III қурултойи ўз ишини бошлайди.

● Давлат — тижорат Халқ банкининг Самарқанд вилоят бошқармасида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан икки авлод учрашуви бўлиб ўтди.

● Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида АҚШнинг Оклахома штатидан келган мутахассислар иштирокида олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун ўқув машғулотлари ташкил этилди. Унда асосан умумий амалиёт шифокори фаолияти билан боғлиқ масалалар, оилада тиббий хизматни янада ривожлантириш жаҳон тажрибаси ўрганилди.

● Навоий вилоят товар-хомашё биржаси шаҳар марказий истироҳат боғида «Олтин куз» ярмаркасини ташкил этди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат маркази кўргазмалар залида «Аёллар: янги аср, янги қиёфа, янги вазифа» фотокўргазмаси очилди.

● Сурхондарё вилоят болалар қўғирчоқ театрида Алп Жамолнинг икки пардали «Дўстлар» мусиқий эртаги саҳналаштирилди.

● **Индинга** пойтахтимизнинг Ҳамид Олимжон метро бекатидан «Сўғдиёна Ҳамдўстлик кубоги — 2002» халқаро авторалли мусобақалари старт олади.

● Пойтахтимиздаги Ўрта махсус, касб ҳунар таълимини ривожлантириш институтида Германия техник ҳамкорлик жамияти ёрдамида малака ошириш бўйича мультипликаторлар тайёрлаш курси очилди.

Жаҳонда

● **Кеча** Россияда расман аҳоли рўйхати бошланди. НТВнинг тегишли манбаларга таяниб хабар беришича, мазкур тадбирда асосан аҳолининг сони тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва системага солиш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи аниқлаб олинади.

● Европа Комиссиясининг Брюсселда **кеча** бўлиб ўтган йиғилишида шу йилнинг охирига бориб Европа иттифоқига кирмоқчи бўлган 10 номзод мамлакат билан музокараларни ниҳоялаш, 2004 йилда эса уларни ЕИга қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжат тасдиқланди, дейилади Би-би-си хабарида.

● Ҳиндистон маданият марказида бўлиб ўтган тадбирда таниқли санъатшунос олим, академик Эдвард Ртвеладзенинг «Қадимги ҳинд ва Ўрта Осиё алоқалари: сўнгги археологик топилмалар» мавзуидаги маърузаси тингланди.

● Покистондаги сайловларда расмий маълумотларга мувофиқ, амалдаги президент Парвез Мушаррафнинг партияси — Покистон мусулмон лигаси ғалабага эришган. Ушбу партия вакиллари Миллий ва тўртта вилоят ассамблеяларидаги 272 ўриндан 77 тасини қўлга киритишди.

● Саудия Арабистони Фаластин Миллий Мухториятига беғараз ёрдам тариқасида 15,4 миллион АҚШ доллари ажратди.

● Сербияда ўтказилган президент сайловларининг иккинчи тури сайловчиларнинг етарли фоизи қатнашмаганлиги сабабли қониқарсиз деб топилди.

● Сўнгги маълумотларга қараганда Индонезиянинг Кута Бич оромгоҳида содир этилган террорчилик оқибатида ҳалок бўлганлар сони 190 нафарга етган, 309 киши жароҳатланган, 90 киши оғир аҳволда. «Лента ру»нинг хабарига кўра ушбу террорчилик Индонезия тарихидаги энг даҳшатлиси деб баҳоланмоқда.

● Чечен жангарилари томонида туриб жанг қилаётган олти нафар чет эллик ёлланган аскарлар **кеча** Чеченистоннинг Урус-Мартановский районидаги Шалаши қишлоғида ўлдирилган. «Новости»нинг хабар беришича, улардан бири туркиялик, қолган тўрт нафари араблар экан.

● Чеченистонда Грозний шаҳрининг Завадская бўлими биносида рўй берган террорчилик ҳаракатига алоқадор бўлган кишилар ушланган. Бош прокуратура бошқармасидан олинган хабарга кўра уларнинг барчаси «Милицияга дахлдор кишилар бўлган». Тахминларга кўра террорчилик ҳужжи ички ишлар бўлими бошлиғига қарши қаратилган, у бўлимда кадрлар сиёсатини ўтказа бошлаган. Тергов фикрича, ишдан бўшатилиши мўлжалланаётган милиционерлар портлашни амалга оширган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Турар жой фондларини сув ва газ ҳисоблагичлари билан жиҳозлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳримизда ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида пойтахтимиздаги хусусий уйлар ва кўп қаватли турар жой биноларидаги хонадонларга 65 мингтага яқин сув ҳисоблаш ҳамда 60 мингтадан ортиқ газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилди. Энг қувонарлиси эса ана шундай сифатли ва рақобатбардош ўлчаш ускуналарининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидир.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TOSHKENT-ZENNER» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бугунги кун талаби асосида фаолият кўрсатиб, сифатли сув ўлчагичлар ишлаб чиқараётган ва шу асосда буюртмачилар талабини қондираётган жамоалардандир. 1999 йилдан буён маҳсулот тайёрлаётган ушбу корхонанинг таъсисчилари Германиянинг «ZENNER» фирмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги инвестициялар бош бошқармасидир. Юқоридаги фирма дунё миқёсида 100 йиллик тажрибага эга бўлиб, жаҳоннинг 37 та давлатида унинг филиаллари мавжуд. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса жаҳон андозалари даражасига мосдир.

Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада ҳозирда 38 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. У йилига 120 минг дона сув ўлчагичлар тайёрлаш қувватига эга. Корхонада уй-жойлар учун 15-20 миллиметр ҳамда корхона ва ташкилотлар учун 25-150 миллиметр диаметрдаги иссиқ ва совуқ сув ўлчагичлар ишлаб чиқарилади.

— Корхонамизда тайёрланаётган ускуналар иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув исрофгарчилигининг олдини олиш билан бирга, корхона, ташкилот, муассаса ва оила бюджети тежалишига ҳам алоҳида ҳисса қўшишини бугунги кунда барча эътироф этмоқда, — дейди корхона бош директорининг ўринбосари Илёс Асадов. — Ана шундай турмушимиз, ҳаётимиз учун зарур бўлган қимматбаҳо ресурсларимизни тежаб-тергаш, авайлаб-асрашда, сарфига яраша ҳақ тўлашда ўлчагичларнинг ўрни беқиёсдир. Жамоамиз аҳли Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ижросини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу ҳисса йилдан йилга салмоқли бўляпти. Ўтган йилда 10 мингта сув ўлчагичлар тайёрлаган бўлсак, жорий йилнинг 8 ойида 30 мингтадан ортиқ ана шундай асбобни ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Ишлаб чиқараётган сув ўлчаш ускунамизнинг афзаллик томонлари жуда кўп. Унинг икки йиллик гарантия муддати бор. Агар шу вақт мобайнида у бузилиб қолса, носозликлари бепул тўғрилаб берилади. Шунингдек, уни ҳам горизонтал, ҳам вертикал тарзда ўрнатиш мумкин. Айниқса, барча бутловчи қисмларнинг корхонамизда мавжудлиги носоз ҳолатларни тез ва соз бартараф этиш имкониятини беради. Энг муҳими, ишчи-ходимларимизнинг малакаси етарли, шу боис ҳам буюртмаларни ўз вақтида ва бекаму кўст уддалаяпмиз. Асосий буюртмачиларимиз — пойтахтимиздаги «Сувсоз» унитар корхонаси, «Тошиссиқлиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси, вилоятлардаги сув-оқава коммунал бошқармалари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Фаолиятимизнинг ўтган даври мобайнида маҳсулотимизга бирорта ҳам эътирозлар бўлгани йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, иш бошлаган илк даврида корхонада фақат четдан келтирилган бутловчи қисмлардан фойдаланилган бўлса, бугунги кунга келиб уларни маҳаллийлаштириш борасидаги изланишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Ҳозирда 40 фоиздан зиёд бутловчи қисмлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада айниқса «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзқишлоқмаш» корхонаси билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, қўшма корхонанинг ўзида ҳам бутловчи қисмларнинг бир нечтаси тайёрланмоқда. Албатта, ана шундай сифатли ва зарур қисмлар сонини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Шу билан бирга бу ерда иккиламчи хом ашё қайта ишланиб, халқ истеъмоли буюмлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркорлик билан иш юритаётган корхона мутахассислари рақобатбардош маҳсулотлари билан биргаликда экспортга мўлжалланган 9 хил бутловчи қисмларни ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Йил охиригача 50 минг долларлик ана шундай маҳсулотлар Германияга экспорт қилинади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, корхонада ташкил этилган махсус бригадалар пойтахтимиздаги хонадонларга ўзлари ишлаб чиқарган асбобларни ўрнатишда ҳам фаоллик кўрсатишяпти. Улар жорий йилда Чилонзор туманида 10 миллион сўмлик иш бажариб 260 та хонадонга совуқ сув ўлчагичлари ўрнатиб беришди. Албатта, бундай ишларни келгусида ҳам давом эттириш кўзда тутилган. Шунингдек, тадбиркорлар сув ўлчагич асбобларининг узоқ вақт соз ҳолда хизмат кўрсатишини таъминлаш мақсадида истеъмолчиларга фильтларни ҳам тавсия этишмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилган иссиқлик қуввати ўлчагичлари тажрибада шуни кўрсатмоқдаки, бу асбобни ўрнатиш натижасида ташкилот ва муассасаларда 40 фоиз иссиқлик энергияси иқтисод бўлади. Демак, корхона ва ташкилотлар қанча иссиқлик энергиясидан фойдаланса, шунга яраша ҳақ тўлайди. Ҳозиргача корхона мутахассислари томонидан 50 дан ортиқ ана шундай лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, унинг 15 тага яқини амалга оширилди ва натижаси самарали бўлмоқда.

Жамоа аҳлининг келгусида ўз олдига қўйган мақсадлари ҳам анчагина. Яқинда давлат дастурига киритилган режалардан бири — газ ҳисоблаш ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Бунинг учун ҳозирда янги цех ҳозирланиб, пардозлаш юмушлари ниҳоясига етмоқда. Унга қуввати йилига 120 минг дона газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришга мослашган хорижий линиялар ўрнатилмоқда. Келгусида эса ишлаб чиқариш ҳажмини 400 минг донага етказиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида яна 20 нафар маҳаллий ёшларимиз иш билан таъминланади.

Бугун жаҳон тажрибасидан шу нарса кўзга яққол кўринмоқдаки, хонадонларга ўрнатилган сув ва газ ўлчагичлари харажатларни бир неча баробарга камайтирмоқда, исрофгарчиликнинг олдини олмоқда. Пойтахтимизда бу борадаги ишларнинг жадаллашишида эса бирмунча аргон, сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан «TOSHKENT-ZENNER» қўшма корхонаси муҳим ҳисса қўшмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: (чапдан) метролог Фахриддин Аҳмедов, йиғувчилар Мурод Отаргалиев ва Ольга Вахтомовалар сифатли маҳсулот тайёрлашга муҳим ҳисса қўшмоқдалар; Шаҳноза Халилова илғор йиғувчилардан биридир. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Хорижникидан қолишмайди

ИҚТИСОДИЁТ

Крайслер-Даймлер доимо изланишда

«Крайслер-Даймлер» — автомобиль ишлаб чиқарадиган энг йирик компаниядир. 1998 йил АҚШнинг «Крайслер» ва Германиянинг энг йирик индустриал гуруҳи бўлган «Даймлер-Бенц» компаниясининг қўшилишидан «Крайслер-Даймлер» компанияси пайдо бўлди. Дунёнинг иккита йирик автомобиль компанияларининг бирикиши учун АҚШ ва Германия ҳукуматларининг розилигини олиш лозим бўлди. «Крайслер-Даймлер» автомобиль саноатининг тарихида энг йирик бирлашма деб баҳоланди. Компаниянинг бир йиллик товар айланмаси 162 миллиард еврони ташкил қилади. Компания харидорларининг сони 500 минг нафардан ортиқ. Унинг таркибига жаҳоннинг 200 мамлакатида ташкил қилинган ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар, автомобилларни йиғадиган, уларга сервиз хизматлари кўрсатадиган фирмалар, компаниялар киради.

«Крайслар-Даймлер» таркибига кирувчи Германиянинг «Мерседес-Бенц» ва «Даймлер-Бенц» компаниялари жаҳон автомобиль саноатининг энг етакчи, энг замонавий техника ва технология билан жиҳозланган, энг замонавий автомобиллар чиқарадиган компаниялардан ҳисобланадилар. Бу компанияларнинг фаолият бошлаганига 100 йилдан ошиб кетди.

АҚШ томонидан «Крайслер-Даймлер» таркибига қўшилган «Крайслер» компаниясига 1925 йилнинг 6 июнида Уолтер Перси Крайслер томонидан асос солинган. Крайслер Уолтер Перси ўз фаолиятини локомотивлар ишлаб чиқарадиган корхонада шогирд вазифасида бошлаб, кейинчалик Америка локомотив компаниясининг менежери лавозимини эгаллади. 1919 йили у «Женерал-Моторс» компаниясига ишга ўтади ва тез кунда ижрочи директор лавозимига тайинланади. 1920 йили Крайслер «Женерал-Моторс»дан кетиб «Виллис-Оверленд» заводига ишга ўтади ва бу заводни «Максвелл-Мотор» корпорацияси билан бирлаштиради.

1924 йили Крайслер номи билан биринчи автомобиль ишлаб чиқарилади. Унинг номи «Крайслер олти» эди. Бу автомобиль Крайслернинг техник имкониятларини ва автомобиль бозорининг талабларини яхши билишини намойиш қилган эди.

«Крайслер олти» ўз замонининг илғор автомобилларидан бири эди. У автомобилда 4 та ғилдиракка бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатадиган гидравлик тормоз тизими, олти цилиндрли ёниш камерасида юқори босим ҳосил қиладиган ҳамда катта қувват ҳосил қиладиган мотор ўрнатилган эди. Крайслернинг тўнғичи «Крайслер олти» катта муваффақият қозониб биринчи йилдаёқ 32 минг донаси сотилди. 1925 йилнинг 6 июнида Крайслер «Максвелл-Мотор» компаниясини сотиб олиб компаниянинг номини «Крайслер-Моторс» деб ўзгартиради. Янги компаниянинг ишлари яхши юриша бошлайди. 1925 йилнинг охирига келиб фақат АҚШнинг ўзида 3800 та диллерлик компанияларига эга бўлади.

1925 йили «Крайслер-Моторс» компаниясининг фойдаси 17 миллион долларни ташкил қилади. Компания кейинги 10 йилликда ҳам бозорга янгидан-янги моделларни тақлиф қилиб муваффақиятли фаолиятини давом эттиради. Булар ичида 1927 йилдан ишлаб чиқарила бошланган «Империал-80» модели ҳам бор эди. Компания ўз фаолиятини автомобилсозлик соҳасида янгиликларни узлуксиз жорий қилишга қаратди. «Крайслер» автомобиллари тезкор бўлиб улар соатига 130 километр соатни ташкил қилиб, «Форд-Мотор» компаниясининг энг яхши «Т» моделидан тезлиги икки баробар юқори эди.

1928 йили Крайслер ака-ука Жон ва Гораций Доджга тегишли «Додж Бразер Мотор Кар» компаниясини сотиб олиб «Крайслер»нинг имкониятларини янада оширади. Ўша йили компания «Плимут» ва юқори сифатли «ДеСОТО» моделини бозорга таклиф қилади. 1933 йили «Крайслер» биринчи маротаба автомобилларни сотиш ҳажми бўйича «Форд-Моторс»дан ўзиб кетди.

Урушдан кейинги 10 йилликда «Крайслер» бир нечта моделдаги автомобилларни бозорга таклиф қилди 50-йилларнинг бошида «Крайслер» АҚШдаги автомобиль компаниялари орасида ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг сони бўйича учинчи ўринни эгаллади.

1960-йилларда «Крайслер» АҚШнинг космик дастурларида иштирок эта бошлайди ва космик кемаларнинг ракеталарини ишлаб чиқара бошлайди. АҚШнинг «Сатурн-1» ва «Сатурн -18» космик кемаларининг ракеталарини айнан «Крайслер» ишлаб чиқарган. Компаниянинг ракеталари АҚШнинг космосга учишидаги кўп муваффақиятларини таъминлаган.

Лекин «Крайслер»нинг фаолияти ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлавермаган. Йўл қўйилган камчиликлар туфайли компания катта молиявий йўқотишларга учраган. Масалан, 50-йилларда компания харидорларга унча маъқул бўлмаган деярли квадрат шаклдаги кичик автомобилларни чиқара бошлаган. Худди шу вақтда «Женерал Моторс» ва «Форд» компаниялари силлиқ моделларни таклиф қилишади. 60-йилларининг бошида «Крайслер» кичкина шаклдаги автомобилларни таклиф қилди. Бу вақтда харидорлар катта, нуфузли қиммат баҳоли автомобилларни хоҳлар эдилар. 70-йилларда нефть ва нефть маҳсулотларининг нархи ошиши туфайли харидорлар кичик, кам ёқилғи сарф қиладиган автомобилларни талаб қиладилар. Бу вақтда «Крайслер» катта, ёқилғини кўп сарф қиладиган автомобилларни ишлаб чиқара бошлайди. Натижада «Крайслер»нинг акциялар бозоридаги улуши 1952 йилдаги 21 фоиздан 1979 йили 9 фоизга тушиб қолди. Муваффақиятсизликларнинг деярли ҳаммаси Крайслер вафотидан кейин рўй бера бошлайди. 1980 йиллари «Крайслер» банкротликка яқинлашиб қолган эди. Шу йиллари компания бир неча заводларини ёпиб, минглаб ишчиларни ишдан бўшатишга мажбур бўлди. Зўдлик билан бир неча муваффақиятли моделлар ишлаб чиқилди. Бу моделлар «Крайслер»га 2,4 миллиард доллар фойда келтирди...

Ҳозирда компания сотилган автомобилларининг ҳажми бўйича АҚШда «Женерал-Моторс» ва «Фордл-Моторс» компанияларидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. «Крайслер» Мичиган штатининг Аубурн Хиллс шаҳрида жойлашган. Компания ўз автомобилларини асосан Американинг шимолида сотади. Бугунги кунда ишлаб чиқариладиган моделлар: «Крайслер», «Додж», «Плимут», «Игл» ва «Жип»лардир.

«Крайслер-Даймлер» корпорациясининг ҳозирги кундаги асосий мақсади жаҳонда автомобиль ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича биринчи ўринни эгаллаш. Бу мақсадни амалга ошириш учун «Крайслер-Даймлер» Японияниинг «Мицубиси корпорейшн» компаниясининг акцияларини сотиб олди. «Мицубиси корпорейшн»нинг 37 фоиз сармояси «Крайслер-Даймлер»га қарашли. Жанубий Кореянинг «Хюндай» компаниясининг 11 фоиз сармояси ҳам «Крайслер-Даймлер»га қарашли. Шундай қилиб «Крайслер-Даймлер» Европа, Америка ва Осиё автомобиль бозорларини қўлга олиш учун пухта замин яратди. Бозор қамровини кенгайтирибгина қолмай «Крайслер-Даймлер» бозорга чуқур кириб бориш стратегиясини ҳам ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришди.

Бугунги кунда «Крайслер-Даймлер» намунавий кўрсаткичли, идеал даражада таркиблаштирилган, ҳар қандай мураккаб масалани ҳал қила оладиган корпорация ҳисобланади. Илмий изланишларга бир кунда 25 миллион немис маркаси сарф қилинади. «Крайслер-Даймлер» корпорациясида ишлаб чиқариладиган «Мерседес-С» русумли автомобиль жаҳонда энг нуфузли ҳисобланади. Корпорация келажак автомобилини яратиш устида илмий изланиш, тажриба ишларини олиб бормоқда. Экологияни мутлақо ифлослантирмайдиган автомобилнинг тажриба нусхаси яратилди.

«Крайслер-Даймлер» Россия, Украина автомобиль бозорларига кириб боришни мўлжаллаган.

Садир САЛИМОВ,
техника фанлари доктори, профессор.

ШИРКАТЛАРДА

Мақсад — намунали хизмат кўрсатиш

Сергели туманида биринчилардан бўлиб ташкил этилган «Саидоқилхон» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари ҳозирги кунда Шукур Бурҳонов номли маҳалладаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига астойдил хизмат қилишга интилаётганидан барча мамнун. Биз ушбу ширкат бошқаруви раиси Абдумутал Ҳамдамов билан бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар борасида суҳбатлашдик.

— Ширкатимиз ҳозирги пайтда 32 та тўққиз қаватли уйлардаги 10119 та хонадон аъзоларига хизмат кўрсатади, — дейди Абдумутал Ҳамдамов. — Шу кунга қадар ширкатимизга тегишли аҳоли яшаш жойларидаги уйларнинг йўлакларига темир эшиклар ўрнатилиб, хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча чора-тадбирлар кўрилган. Шу билан биргаликда ертўлаларни тозалаб, тартибга келтирдик. Ушбу масалаларни эса хонадон эгалари билан ҳамжиҳатликда амалга ошираяпмиз.

— Айтингчи, айни пайтда ширкатингиз ходимлари қандай ишлар билан банд?

— Асосан, ширкатимизда 26 киши фаолият кўрсатади. Шу кунга қадар барча уй атрофлари тозаланиб, сув тармоғи шохобчалари тартибга келтирилди. 900 погонметрли уйнинг ён томонлари таъмирдан чиқарилди, дарахтлар оқланиб, аҳоли участкалари кўркам ҳолга келтирилдики, буларнинг барида ходимларимизнинг ҳиссалари бор.

— Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Биз тайёргарлик ишларини эрта баҳордан бошлаб юборганмиз. Бу борада июнь ойида ширкатимизга тегишли 32 та уйнинг барида профилактик ишлар амалга оширилиб, иситиш мосламалари, ерости қувурлари қайта таъмирланмоқда. Аҳолидан тушадиган муаммоли масалаларни ҳар бир уй бошқарувчиси билан ҳамкорликда бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз. Яшовчилар ишончини оқлаб, уларга намунали хизматни ташкил қилиш, шунингдек, барча уйларда яшовчи аҳолига эндиликда ушбу бинолар ўзининг мулки эканлигини, шу боисдан ҳам четдан ёрдам кутмай уни асраш, авайлаш лозимлигини доимий тушунтириб бориш асосий мақсадларимиздандир. Қишга тайёргарлик ишларини эса яқин кунларда ниҳоясига етказамиз.

Орзугул РУСТАМОВА

САНОАТ

Мамлакат машинасозлиги етакчиси

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти — мамлакатимиз машинасозлигининг байрокдорларидан саналиб, ўзининг 60 йиллик тарихи давомида 630 мингта трактор ва 1 миллион 200 мингта тиркама ишлаб чиқарди.

Дарҳақиқат, корхонанинг бой тарихига назар ташлайдиган бўлсак, босқичма босқич амалга оширилган кенг кўламдаги ишларни кўрамиз. 1942 йили қисқа муддатда ташкил топган 574-заводда иккинчи жаҳон уруши фронтлари учун мина ва ўқ-дорилар ишлаб чиқарилган бўлса, у 1944 йилда озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган «Тошозиқ-овқатмаш»га, 1950 йилда эса пахта тозалаш ва ёғ заводи учун «Тошпахтамаш»га айлантирилди.

1956 йилга келиб корхонада трактор тиркамалари ва пахта хом ашёсини қанорсиз ташиш воситалари ишлаб чиқарилиб, у «Тошавтомаш» деб номланди. Тез орада Ўзбекистонда пахтачиликни комплекс механизациялаш пахтачилик моделидаги тракторлар яратиш зарурияти кун тартибига чиқди. Шу боисдан ҳам 1970 йилнинг 29 январида Тошкент трактор заводининг бош йиғув конвейеридан биринчи Т-28х4 моделидаги пахтачилик трактори чиқарилди.

Заводда ишлаб чиқарилган тракторлар Хиндистон, Куба, Миср, Греция, Судан давлатлари пахта плантацияларида муваффақият билан қўлланилди. Корхонада изланишлар давом этиб 1977 йилда Минскдаги трактор заводи билан ҳамкорликда МТЗ-80Х пахтачилик трактори ўзлаштирилди. 1982 йилда корхона асосида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди: асосий корхона — Тошкент трактор заводи бўлди, қурилаётган қуйма заводи ва Асака шаҳридаги тиркама эса унинг таркибига кирди.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши, иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланиши Тошкент тракторсозлари олдига янги вазифаларни қўйди. Ишлаб чиқариш бошқарувини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигини ҳозирги замон талаби даражасидаги тракторлар билан таъминлаш учун зарур шароит яратиш мақсадида 1996 йил сентябрда «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти таъсис этилди. Жамият таъсисчилари — «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси бошқарувига давлат акцияларининг ҳиссалари берилиб, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзқишлоқхўжаликмаш-сервис» акционерлик компанияси, «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоалари ҳисобланади.

Корхона меҳнат фаолиятида ҳақиқий бурилиш 1998 йилда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг корхонага ташрифидан кейин бошланди. Завод олдига илғор замонавий технологиянинг барча талабларига жавоб берувчи трактор ва тиркамаларга бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари талабини тўлиқ қондириш вазифаси юкланди.

Мамлакат ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли босқичма-босқич ишлаб чиқилган дастур амалга оширилмоқда: универсал — чопиқ «Кейс» трактори учун бутламаларни маҳаллийлаштириш бўйича 2004 йилгача мўлжалланган ишлаб чиқариш дастури; техник қайта қуролланиш ва янги қувватлар яратиш дастури шулар жумласидандир. Бу эса чиқарилаётган техниканинг юқори сифат даражасига эришиш имконини яратади.

Кейинги йилларда корхонада мамлакат агросаноати комплекси учун янги моделдаги замонавий юқори қувватга эга бўлган янги тракторларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу — ТТЗ-60, ТТЗ-80 ва ТТЗ-100 икки моделда чиқариладиган 3 ғилдиракли пахтачилик ва 4 ғилдиракли универсал чопиқ тракторларидир.

2002 йилда эса бу ерда Хитой Халқ Республикасидан келтирилган бутловчи қисмлардан кичик тракторлар чиқарила бошлади.

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти экспорт дастурини амалга ошириш учун янги йўналишларни фаол изламоқда. Чет мамлакатлар билан ўзаро савдо муносабатларнинг асосий шакллари савдо уйларидир. Жумладан, Туркияда (Мерсин шаҳри), Россияда (Москва вилояти Нагинск шаҳри) савдо уйлари ташкил этилган, келажакда қатор минтақаларда янгиларини ташкил этиш мўлжалланган.

Келажакда жамоа аҳлининг олдига қўйган режалари кўп. Корхонада янги моделдаги универсал-чопиқ ва пахтачилик тракторларининг лойиҳалари ишлаб чиқилган. Уларни ўзлаштириш жараёнида янги конструктив элементлар ва замонавий дизайн тадбиқ этилмоқда. 2010 йилга пахтачиликда чопиқ ишлари учун 80 дан 145 тагача от кучига эга бўлган кўп қаторли машиналар моделдаги тракторлар ишлаб чиқаришни бошлаш режаланмоқда, шунингдек шоли ва боғ-узумчилик учун мослаштирилган махсус тракторлар чиқариш кўзда тутилмоқда. 30-40 от кучига эга бўлган кичик ҳажмдаги тракторларни тайёрлаш давом эттирилади.

Эскиларни янгилаш ва ҳозирги замон технологияси асосида янги қувватларни ташкил этиш заводнинг ишлаб чиқариш майдонларида хилма-хил қишлоқ хўжалиги учунгина эмас, балки автомобиль ва қурилиш йўл машинасозлик тармоқлари учун ҳам техника ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Албатта корхона тўғрисида гапирганда унинг аҳил жамоаси ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Жамоа — кўп миллатли ягона оила. Ҳозирда бу ерда 40 дан ортиқ миллатдан иборат 4 мингта яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. 3 мингта яқин киши корхонада 20-25 йил ишлаб «Завод фахрийси» унвонига сазовор бўлган. Заводда 40 йил ва ундан ортиқ ишлаётганлар 70 кишидан иборат. 50 га яқин оила «Ишчилар сулоласи», 11 киши эса «Фахрли тракторсоз» унвонига эгалигини кўрсатиш жоиздир.

Корхона йиллар давомида шаклланган кучли ижтимоий соҳага эга бўлиб, ўзининг поликлиникаси ва тиббий-санитария қисми, халқаро тоифадаги кўпгина спортчиларни тарбиялаган «Трактор» спорт мажмуаси, «Билдирсой» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, маданий-маърифий ишлари ва бир қатор тўгаракларни ўз ичига олган маданият саройи, Чимён тоғ ёнбағрида жойлашган «Чотқол» дам олиш зонасига эга. Буларнинг барчаси жамоа ишчи-ходимларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш, дам олишларини, спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этишга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги йирик машинасозлик корхоналаридан бири бўлган «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида бебаҳо тажрибаларга эга бўлди. Бугун корхона пухта тажрибаларга таянган ҳолда келажакка ишонч билан қадам ташламоқда, иқтисодиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшишга интилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ТРАНСПОРТ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда автомобиль саноатининг равнақ топиши билан бирга уларга техник хизмат кўрсатиш жараёни ҳам такомиллашиб бормоқда. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда шахсий автомашиналар сони ўтган даврга нисбатан анча юқорилаб кетган. Бу эса ўз навбатида уларга хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашни тақозо этади.

ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ

Чунончи, ҳозирда пойтахтимизнинг турли ҳудудларида кўркам ва янгича усулда бунёд этилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи қуйиш шохобчаларини кўриш мумкин. Албатта, уларнинг кўпайгани яхши. Бу эркин бозорда рақобатни кучайтириб, хизмат кўрсатиш жараёнини янада яхшилайди. Биз ана шундай автомобилларга хизмат кўрсатувчи корхоналардан бири бўлмиш «Miss Petrol» ёқилғи қуйиш мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Бу ерда ҳар куни 4 мингдан ошиқ автомобилларга жаҳон талабларига мос равишда хизмат кўрсатилади. Шунингдек, корхонада ҳамма турдаги автоуловларга техник хизмат кўрсатилиб, компьютер асосида ташхис қўйилиб мой алмаштиришдан тортиб умумий таъмирдан чиқаргунга қадар бўлган юмушлар сифатли қилиб бажарилади.

— Энг асосийси, бизнинг ишимиздан мижозлар мамнун бўлишига ҳаракат қиламиз. — Чунки гувоҳи бўлганингиздек, атрофимизда бу каби хизмат кўрсатувчилар кўп. Лекин ишнинг якуний натижаси қандай хизмат кўрсатилишига боғлиқ, — дейди мажмуа раҳбари Шуҳрат Камолов. — Биз иш бошлашдан олдин барча имкониятларимизни шунга қаратдик. Яъни, биздан истеъмолчи норози бўлиб кетмаслиги керак. Чунки улар фақат бир кунлик эмас, балки ҳар доимлик мижоз бўлишини истаймиз.

Мажмуамиз «Сан Интернейшнл» Ўзбекистон — Бельгия — Жанубий Корея қўшма корхонаси қошида барпо этилган бўлиб, шерикларимиз бу ерга керакли технологияларни етказиб беришди. Биз эса «Трастбанк»дан 96 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, қурилиш ишларини якунига етказдик. Бу кредитни уч йил муддатга олган эдик. Лекин сўнгги 9 ой давомида унинг 50 фоизини қайтардик. Келтирилган барча энг сўнгги нусхадаги технология ва жиҳозлар Германиянинг машҳур «Жилберго энтерпрайз» компанияси маҳсулотидир. Ушбу компания маҳсулотларини дунёнинг юздан ортиқ ривожланган давлатлари харид қилади. Чунки бу жиҳозларда истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун 7 даражали ўта ишончли ҳимоя воситалар мавжуд. Шунингдек бу усталар чидамлилиги, аниқ ҳисоб-китоб қилиши, ишни енгил ва сифатли бажариши билан характерлидир.

Бу ерлар бундан бир йил олдин қандай аҳволда эканлигини кўпчилик билади. Мана энди гувоҳи бўлганингиздек, эндиликда кўркам, кўпнинг оғирини енгил қиладиган даргоҳга айланди. Таъкидлаганимиздек, фаолиятимизнинг асосини мижозларга намунали хизмат кўрсатиш ташкил қилганлиги боис автомобилларни сақлаш учун махсус жойлар ажратганмиз. Шунингдек, вақтлари бўлса қаҳвахонада бир пиёла чой ичишлари ёки эҳтиёт қисмлар сотиладиган дўконимиздан нимадир харид қилишлари ҳам мумкин. Шу билан бирга бу ерда машинани ювиш ёки ғилдирагини алмаштириш ва бошқа таъмирлаш ишларини юқори малакали мутахассисларимиз замонавий технология асосида бир зумда бажариб беришади.

Дарҳақиқат, бу ерга келган ҳайдовчи умуман машинадан тушмайди. Ҳар бир ёқилғи қуювчининг олдида касса аппарати ўрнатилган бўлиб, мижозга ўша пайтнинг ўзида керак бўлган бошқа хизматлар ҳам кўрсатилади. Масалан, гамбургер каби енгил истеъмол қилинадиган таомлар, турли салқин ичимликлар ва бошқа шу каби хизматлар таклиф қилинади. Шу боисдан бўлса керак, бизда мижозларнинг кети узилмайди ва касса бўйича топширилган режани ҳамиша ортиғи билан бажариб келамиз. Яъни ҳар куни 70-75 минг литр барча турдаги нефть маҳсулотларини сотамиз.

Мажмуамизда 60 нафарга яқин хизматчилар фаолият юритиб келади. Уларга иш мобайнида зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Дам олиш, овқатланиш, кийиниш ва ювиниш хоналари шулар жумласидандир. Шунингдек, улар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Қисқаси, биз фаолиятимизнинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши учун ҳамма имкониятлардан оқилона фойдаланиб келмоқдамиз.

Очил ҲАЗРАТОВ

СУРАТДА: Германиядан келтирилган энг сўнгги нусхадаги ускуналар.

АНЖУМАНЛАР

МУСИҚАЛИ УЧРАШУВ

Замонлар қаъридан келур бир садо,
Унда аждодларнинг руҳи жо бажо.
Ҳаёт деб аталмиш сеҳрли олам,
Оллоҳ неъматидир сен учун одам.

Яқинда шаҳримизнинг энг сўлим гўшаларидан бўлмиш Мирзо Улуғбек боғида эрталабдан карнай-сурнай наволари янграб барчани Ўзбекистон халқ артисти Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган «Санъатимиз даҳоси» деб номланган мусиқали суҳбатга чорлади.

Илгари хабар берганимиздек Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзтелерадиокомпанияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, «Тошкент оқшоми» газетаси ва Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида «Маънавият гулшани» деб номланган қизиқувчилар давраси ташкил этилган эди. Ушбу қизиқувчилар даврасининг асосий мақсади тингловчиларга, айниқса ёшларга шаҳримиз ва унинг маҳалла-мавзелари тарихи, алломалари, санъаткорлари, ҳунармандлари ва бошқа аждодлар ҳаёти, фаолияти, ижоди ва улар яратган мерос билан яқиндан таништириш, уларни мустақиллигимизнинг қадрига етиб авайлаб-асраш ва шу маънода Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Бу борада қизиқувчилар даврасининг «Мозий сабоси — қалблар садоси» деб номланган адабий-мусиқали доимий амалдаги мулоқот гурунги қатор мавзуларда машғулотлар ўтказиб келмоқда. Навбатдаги давра суҳбати эл севган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов хотирасига бағишланди.

— Маълумки, Истиқлол туфайли тарихимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз тобора тикланиб, ҳаётимиздан муносиб ўрин олиб бормоқда, — деди тадбирда сўз олган «Маънавият гулшани» давраси ташкилий ишчи гуруҳи раисининг ўринбосари, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғининг Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Музаффар Жаъфаров. — Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Ўзлигини англаган миллат улуғ аждодларининг шаъни-шавкатига, ақлу заковатига, уларнинг ҳаётбахш қутлуғ меросларига ҳамиша муносиб бўлишга ҳаракат қилади».

Анжуманда республикамизнинг таниқли олимлари, адабиёт, маданият ва санъат соҳасининг етук намояндалари, мўътабар отахон ва онахонлар, ўқув юртларининг бир гуруҳ талаба ёшлари иштирок этдилар. Улар анжуман давомида қатор таниқли олимларнинг Ўзбекистон халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ҳақидаги хотираларини ва ҳофизнинг нодир ёзувли пластинка орқали жонли овозда янграган «Таронаи дугоҳ» қўшиғини ҳаяжон ва фахр ҳисси билан тингладилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ҳасан Ражабий ва Маҳмуджон Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Ҳожиакбар Ҳамидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабий ва бошқа хонанда ва созандалар Тўйчи ҳофиз қўшиқларини ва ўзларининг дилбар қўшиқларини ижро этиб йиғилганлар қалбига бир олам шодлик улашдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов хотирасига бағишланган тадбирдан лавҳа.

Пўлат Содиқов олган сурат.

ЎЗ=ЎЗ ЎҚИГАНИЙ ДОНО БЎЛМУР...

● Тўғрилик, очиқ юзлик, ҳалол ризқ топишга киришиш, кучи етгунча оиласини маишатдан тангликда қолдирмаслик саодатмандлик нишонасидир.

● Комил ақл-хушга эга бўлган киши ўзини паст мартабадан юқори мартабага кўтаради. Райи-ақли кучсиз бўлган киши эса, ўзини баланд мартабадан қуйи ташлайди.

● Даража, мартабага кўтарилиш кўп саъйи-ҳаракат билан ҳосил бўлади, саъйи-ҳаракатли, ишчан одамларгина улуғликка етишга оладилар.

● Тавозеъ ва мулойимлик душманни дўст қилади, дўстни хешлик ва қариндошлик даражасига етказади.

● Машҳур ўзбек шоири Машраб айтади:

Мардларнинг ишларин андеша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил,
Жиноят ахтар агар оқил эсанг,
Изла яхшиларни дарё дил эсанг.

ҲИКОЯТ. Бир подшоҳнинг ёнида ўзининг ва хизматчисининг ўғли ўтирганди.

Подшоҳ ўз ўғлидан:

— Ўғлим, ростини айт, сен дунёда нималарни орзу қиласан, кўнглинг нималарни истайди? — деб сўради.

— Молу мулким кўплиги билан шуҳрат қозонишни, доим шароб ичиш, овга чиқиш, айш-ишратдан холи бўлмасликни орзу қиламан, — деб жавоб берди подшоҳнинг ўғли. Сўнгра подшоҳ хизматчисининг ўғлидан:

— Тўғрисини айт, сенинг келажакдаги орзу-тилагинг нима? — деб сўради.

Хизматчисининг ўғли мулойимлик билан:

— Шафқатли, марҳаматли, хайр-саховатли бўлишни, халққа хизмат этишни, жамиятга фойда етказишни, ҳамманинг меҳру муҳаббати, олқишини олишга муваффақ бўлишни орзу қиламан, — деб жавоб берди.

Подшоҳ унинг сўзларидан кўп таъсирланди, бу олижаноб ўғилни қучоғига олиб севди, юз-кўзларидан ўпиб эркалади ва айтди:

— Баракалла, ўғлим, шундай бўлиш керак, орзу-ниятингга, мурод-мақсадингга ет, — деб олқишлади, уни яхши тарбия қилишга аҳамият берди.

Байт:

Ким халойиққа тараҳҳум қилмагай,
Унга асло бахт давлат келмагай.

● Олимлардан Н. Ҳаддод айтади:

— Дўстликнинг муҳим қоидалари — агар бир одам ўзига дўст топишни истаса, шу қоидаларга риоя қилиши лозим:

1) Ихлос-муҳаббатнинг ҳақиқий таржимони — ихлосдир. Дўстга хайрихоҳ бўлиш, керакли вақтда унинг манфаати йўлида хизмат қилиш буни исбот этади. Муҳаббат ихлосга тескари эмас, аксинча уни қувватлайди, чунки икки дўст орасидаги муҳаббатдан мақсад — бир-бирларига манфаат етказиб ёрдамлашишдир. Агар икки дўстдан бирисининг кўнглидан бу мақсад чиқиб кетса, унинг муҳаббати фақат мунофиқлик, риёкорликдан иборат бўлиб қолади.

2) Хушмуомала — бошқаларнинг кўнгилларини кўтаришдир. Хушмуомаласи туфайли у одам бошқаларнинг қалбларини ўзига жалб этади. Ширинсўз, очиқ юзлик, гўзал ифода, тавозеъ, мулойимлик, тилни маъносиз, бехуда сўзлардан тийишлик ва бошқа гўзал хулқ-атвор билан хушмуомала ҳосил бўлади.

3) Йўл қўйиш — бу икки дўстнинг ўзаро тортишишларига сабаб бўлган бир нарсадан икковидан бирисининг воз кечишини таъмин этиб, душманлашиш ва кўнгил қолдиришнинг олдини олишдир. Кўп вақтда инсон майда-чуйда нарсаларни ҳисоблаб, ўз дўстидан аҳралиб қолади.

4) Яхшиликни эътироф этиш — бу дўстнинг дўстга қилган яхшилигини тан олишдир. Дўст дўстга яхшилик қилса, мақтанмаслиги, миннат қилмаслиги лозимдир.

5) Танишиш — бу дўстлик манзилига олиб борувчи бир йўлдир. Агар бу йўлдан тўғри бормай, эгри-бугри қадам қўйилса, ўртада душманлик пайдо бўлади. Бир киши билан танишиб, уни дўстликка қабул қилишда жуда ҳам эҳтиёткорона ҳаракат қилиш керак.

Байт:

Ким деса айбингни, султоним дегил,
Бошидан айлан, негаҳоним дегил.

● Олимлардан Қуддусий айтади:

— Олтиндан қадрли, гавҳардан қимматли бир нарса бор бўлса, у ҳам — вақтдир. Вақт бизнинг ҳар турли ишни ишлашга кучимиз етадиган фурсатдир. Бир соатнинг бекор ўтгани — ихтиёримизда бўлган фурсатнинг зоеъ бўлгани демакдир. Ҳолбуки, шу фурсат ичида фойдали ишлар ишлашга ихтиёримиз бор эди. Фурсатни ғанимат билган одам вақтдан истифода қила олади.

● Агар бир одам вақтнинг шариф ва азиз бир нарса эканини тақдир эта олса, ишонингки, у одам умрини роҳат ва фароғатда кечиради. Вақт нақд олтиндир, уни зоеъ этганларни бозорларни айланиб бўш қўл билан қайтганлардан фарқлари йўқдир, бунга диққат қилиш керак.

● Ҳар куни эрталаб ўзимизга бир ишни тайин этиб, ишларни қандай бажаришимизни фикр қилайлик. Жаҳоннинг ҳозирги ободлиги, инсоният ва маданиятнинг бу қадар тараққийси албатта маърифат эгаларининг битмас-туганмас ғайратлари соясида вужудга келгандир. Шунинг учун бир минут вақтни ўринсиз ва фойдасиз ерга сарф этиш — исрофдир.

● Ҳар куни кечқурун бугун кечирган вақтларимизни муҳокама этишимиз, кундалик ишларимизнинг ҳар бирига вақт тайин этиб, шу вақтлардан кечиктирмайин ишларимизнинг бир тартиб-интизом остига олишимиз лозим.

● Бир донишмандан: «Мурувват нима?» деб сўрадилар. У: «Қариндош-уруғ, дўсту ёрлардан етган жафоларни кечиришдир», деб жавоб берди.

● Ҳаё қалбнинг ҳақиқий кўзгусидир.

● Уч нарса инсонга саодат келтиради: сиҳат-саломатлик, тинч, фароғатли турмуш ва ишқ-муҳаббат.

● Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан.

● Мулойимлик ва тадбир билан қилиш мумкин бўлган бир юмушни қўполлик ва тадбирсизлик билан бажариш нодонликдир.

● Ҳеч бир иш ғайрат ва жасоратсиз бўлмайди, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат ва жасоратдан маъно йўқ.

● Интиқом олиш ва жазо беришга қодир бўла туриб, авф билан муомала қилиш ажойиб фазилатдир.

● Пул ва молни керакли ва зарур бўлган нарсаларга сарф этгандан кейин, қолган ва ортган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозимдир. Шундай қилинса, иқтисод қила-қила сўмлар йиғилиб, катта сармоя ҳосил бўлади.

Иқтисод, тежашни одат қилган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ейиш, ичиш, кийиш керак, аммо «Кўрпангга қараб оёқ узат», дейилган сўзга амал қилинса, бошқалар қўлида бўлган нарсаларга тама қилинмайди, кўнгил ҳам шод бўлади. Қўлида бўлган пул, молга қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди.

Иқтисод билан амал этмаган одам хасис ва тамакор бўлади. Тама эса давоси топилмаган касалликдир.

● Агар бир дарахт кессангиз, ўрнидан янги новдалар кўкариб чиқади. Аммо меҳру муҳаббат ниҳоли жафо арраси билан арраланса, асло кўкармайди.

● Уч нарса инсонга жуда зарур: каҳру ғазаб вақтида ўзни тута билиш, бошга кулфат тушганда бетоқат бўлмай сабр қилиш ва хайрли ишларга шошилиш.

● Ишнинг оқибатини, нима бўлишини билиш — оқилликдан, аммо келадиган фалокатга чора изламай, қайғу чекиб ўтириш — нодонликдан далолат беради.

● Қўлга кирган муваффақиятдан ғурурланиб кетиб, кўз тиниши ичкилик кайфидан кўрқинчлироқдир.

● Икки нарса, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади.

Ким шижоат ҳам матонат йўлига қўйса қадам,
Ишлари топгай ривожу, эл қошида муҳтарам.

● Ҳар бир сўзни ҳақиқат деб сўзлайбериш хато, аммо ҳақиқий сўзни тинглаш ва унга амал қилиш фарздир.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

БЕҒУБОР КЎНГИЛ ҚЎШИҒИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида Истиқлол шарофати билан 10 йилдан бери уюштириб келинаётган мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Нафосат» ёш қаламкашлар кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичи бўлиб ўтди.

Тумандаги 246-мактабда ўтказилган ёш ижодкорлар мусобақасида барча илм масканларидан 40 нафар иқтидорли ўқувчилар иштирок этишди.

Танловда ўқувчилар қобилиятини синаш мақсадида жамланган тажрибали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари ёш ижодкорлар томонидан ижро этилган ҳикоя, эртак ва бошқа жанрдаги машқларни эшитиб кўриб «Нафосат» кўрик-танловининг Юнусобод туман бўйича ғолиблигини 260-мактаб ўқувчиси Дилноза Умаровага беришган бўлса, 97, 274-мактаблар ўқувчилари Дилноза Пўлатова, Гулноза Умаровалар иккинчи, 43, 63-мактаблар вакиллари Оля Виноградова ҳамда Зебунисо Қорабоевалар учинчи ўринлар эгасига айланишди.

Шуниси қувончлики, ушбу кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Дилноза Умарова эндигина 14 ёшга қадам қўйган бўлсада, ўтган йили «Янги аср авлоди» нашриёти ушбу истеъдод ғунчасининг «Жажжи юлдуз» деб номланган илк шеърий тўпламини нашр этди. Ушбу тўпламдан Дилнозанинг Ватан, оила, мактаб, табиат ҳақидаги илк шеърлари ўрин олган. Биз ҳам ёш қаламкашга ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Шоир хотирасига бағишланди

Ўзбек болалар адабиёти ривожига ўзининг тарбия воситаси сифатида хизмат қилувчи асарлари билан катта ҳисса қўшган шоир Куддус Муҳаммадий ҳаёт бўлганида 95 ёшни қарши оларди. Шуниси қувончлики, шоир шеърлари ҳамон болажонлар қўлидан тушмайди, севиб мутолаа қилинади.

Акмал Икромов туманидаги Тошкент Солиқ коллежига йиғилган ўқитувчилар ва курсантлар иштирокида уюштирилган адабий кеча Куддус Муҳаммадийнинг ижодий фаолиятига бағишланди. Унда иштирок этганлар аввало шоир фаолияти, шеърларининг болалар ҳаётида тутган тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Курсантлар томонидан ижро этилган шоир шеърларидан намуналар эса кеча файзига файз қўшди.

— Ўқув масканимиз толиби илмлари маънавияти юксалишида бадиий адабиётнинг роли катта, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент Солиқ коллежи бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Муборак Рихсиева, — шу боисдан ҳам ҳар доим коллежимизда адабиёт, санъат намояндалари билан ижодий учрашувлар, хотира кечалари уюштириб турилади.

Дарвоқе, Куддус Муҳаммадий умрининг 50 йилини педагогика фанини юксалтиришга бағишлаган. Шунинг учун тадбир сўнггида коллеж педагоглари ҳамда уларнинг фарзандлари Куддус Муҳаммадий шеърларини ифодали ёд олган курсантларга китоблар, гуллар ҳадя этишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Янги саҳна асари

Ўзининг йирик мусиқа асарлари билан мухлисларга яхши танилган бастакор Улуғбек Солиҳов яратган асарларнинг кўпи концерт дастурларидан ўрин олмоқда. Унинг қатор мусиқалари оммавий қўшиқ янглиғ ижро этилмоқда. «Тошкент — Сиэтл», «Тинчлик хори» каби қўшиқлар шулар жумласидандир.

Ижодкор балет жанридаги асарга ҳам қўл урди. У «Садо» деб номланди.

Мусиқа оҳангларига бой бўлган бу балет Орол денгизи фожиасига бағишланди. Шу ҳудуднинг экологик аҳволини ифодаловчи мусиқавий лавҳалар ҳам эътиборни ўзига тортади. Ёш бола, навқирон аёл, нуроний кекса кишилар тимсолида Орол денгизининг эртанги яхши кунига умид билан қаралади.

Янги балетни саҳналаштирищ тараддуди кўрилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

НАФОСАТ МАСКАНИНИНГ ЖОНКУЯРИ ЭДИ

Ҳаётда иқтидорли мусаввир сифатида из қолдирган Шамсирўй Ҳасановнинг ижоди кўпларга маълуму, унинг раҳбарлик фаолиятидан бехабарлар анчагина.

Тошкент бадиий билим юртини битирган Шамсирўй аввало ишни экскурсия уюштирувчиликдан бошлади. Кишиларнинг санъатга бўлган муносабатларини кузатди. Қандай асарлар ёқадию, нималар ёқмаслигини билди. Санъатсевар халқимизда тарбиявий руҳдаги, нафосатга бой бадиий асарлар кераклигини пайқади. Юракларни ўртовчи ғарб санъати сир-асрорларига тушуна борди, сидқидилдан ўрганди. «Нима учун италиялик рассом Андрей Беллолининг «Чўмилаётган аёл» картинаси, Томазо Соларининг «Атлант»,«Олма ушлаган хоним» ҳайкаллари, рус рассомлари Константин Маковскийнинг «Оилавий сурат», К.Гуннинг «Ҳаворанг кўйлакли хоним» ёки Карл Брюловнинг «Помпейнинг сўнгги куни» асарларини ҳамма севиб томоша қилади» каби хаёлларда бориб, ўз саволларига жавоб излади.

Шамсирўйда ғурур, мустақил фикр, ишонч, дадиллик бор эди. Бу томонларни устози Чингиз Аҳмаров яхши биларди. У киши билан маслаҳатлашиб, шулар ҳақида мақсадини айтганда, Чингиз ака: «Театрда актёр роль ўйнаганда унинг сўзлари томошабинга етиб борса, тушунарли бўлса, у ҳақиқий актёр эканлигини машҳур санъаткоримиз Шукур Бурхоновдан эшитганини айтиб, биз рассомлар ҳам шундай бўлишимиз керак» деган жавобларидан сўнг, Шамсирўй ишга дадил киришди. Шу орада уни раҳбарликка кўтаришди. Нафосатни ўйлаган кизга раҳбарлик ишлари халал бермади. Ўйлаб қўйган мақсади сари интилиб, икки-уч йил ичида на фақат ўз халқи, балки европаликлар ҳам ҳайратда қоладиган бадиий асарлар яратди. У фақат Шарқни куйлади. Нафосатни ўз халқидан излаб топди. Қадимги миниатюра асарларини топиб, томоша қилиб, ўшалардан ибрат олди. Ёниб, ўртаниб ижод қилди. Ўз суратларига Шарқ аёлларини бош мавзу қилиб танлагач, яратган асарлари тез орада тилга туша бошлади. У яратган «Нодирабегим», «Зебуннисо», «Увайсий», «Маҳзуна», «Мутрабо»лар қиёфаси кўргазмаларда томошабинларни мафтун этди. Шамсирўйнинг орзулари ушалди. Яратган асарлари ғарб санъати билан беллашди. 1948 йилда Париж кўргазмасида намойиш этилган «Нодирабегим» портрети французлар эътиборига тушди. Санъат аҳли бу асарга юксак баҳо беришди. Ўша даврда ўзбек аёлларидан шундай мусаввир чиққанига тан бериб, ушбу асар Тошкентга ҳам келтирилмай, Москвадаги Шарқ халқлари музейида олиб қолинган.

Шамсирўйнинг Шарқ миниатюраси услубида яратган портретлари Ўзбекистон Давлат санъат музейига файз киритди. У яратган асарларини томошабинлар завқ ва шавққа тўлиб томоша қилишарди. Ярим асрдан кўп вақт ўтяптики санъат мухлисларини бойишига кўпроқ ҳаракат қилди. Ўлкашунослик музейларидан айрим расмларни келтирди. Ўзбек халқ санъати устаси «Уста Ширин Муродов», « Қаҳрамон рассом Самиғ Абдуллаев» (А.Абдуллаев асари) портретлари яратилиб, музей залларидан ўрин олди. Шамсирўй Ҳасанова ҳозирги пайтда ўзининг 90 йиллигини нишонлаш арафасида турган Ўзбекистон халқ рассоми Фазилат Сайдалиевани чеварлик санъатига катта эътибор берганди. Унинг ўнлаб кашталарда акс этган расмларини, манзара асарларини музейга қабул қилиб олганди. Жумладан, «Алишер Навоий» портрети халқ санъати бўлими залларининг бирида намойиш этилиб, кўп вақт санъат ихлосмандлари диққатини жалб қилиб келди. Мусаввира ва раҳбар музейга қандай экспонатлар кераклигини яхши биларди. Унинг даврида қабул қилинган санъат асарлари пухта ишланганлиги ва жозибалилиги билан фарқ қиларди. Масалан, академик мусаввир А.Абдуллаевнинг «Аброр Ҳидоятов Отелло ролида»,«Меҳнат Қаҳрамони Назирали ота Ниёзов», Ч.Аҳмаровнинг «Ширин», «Алишер Навоий шогирдлари даврасида» ва бошқа сара рангтасвир асарлар ўша эллигинчи йилларда музейга қабул қилиб олинганди.

Шамсирўй Ҳасанова раҳбарлигида 1951 йилда музейда катта ишлар қилинганди. Жумладан, эскириб сарғайиб, четнаб, таъмир талаб бўлиб қолган ноёб жаҳон санъати намуналари катта қийинчиликлар билан музейга келтирилганди. Булар 12 та ҳайкал бўлиб, бир пайтлар тошкентлик князь Н.Романов тўпламида эди. Кўзларни қамаштирувчи оппоқ тусда, мармар тошлардан яратилганди. «Фанни Лир», «Вакханка», «Фрина», «Елпиғичли қиз», «Амир билан Психея» деб аталмиш ва бошқа ҳайкалларнинг оғирлиги бир-бир ярим тонна келарди. Жонкуяр раҳбарнинг тинимсиз ҳаракатлари билан жаҳонга машҳур санъат асарлари аслига келтирилди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.

СУРАТДА: мусаввира Шамсирўй Ҳасановнинг «Шоира Маҳзуна» асари.

КЎРГАЗМАЛАР

Грузия табиати манзаралари

Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Грузия» дўстлик жамияти томонидан шаҳримизга таклиф этилган Грузия рассомлар уюшмасининг аъзоси Тамара Инаридзенинг суратлари кўргазмаси давом этмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида «Ўзбекистон — Грузия» дўстлик жамияти бошқаруви кенгаши аъзоси Раин Ревишвили таъкидлаганидек, ёш, иқтидорли мусаввирнинг шаҳримизга ташрифи Ўзбекистон пойтахтида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишларнинг дебочасидир.

— Яқинда жамиятимизда бошқарув аъзолари қайта сайланди, — деди жумладан Раин Ревишвили, — янги тузилган кенгаш миллий маданиятларнинг интеграциялашуви йўлидан боришга қарор қилди.

— Биз Грузиянинг кейинги йиллардаги маданий соҳада эришган ютуқлари, шунингдек Тошкентда истиқомат қилувчи ёш рассом, ёзувчи, актёр ва қўшиқчилар билан таништириб бориш ниятидамиз. Ва ажойиб, бетакрор суратлар муаллифи Тамара Инаридзе бу борада биринчилардан бўлди.

Дарҳақиқат, унинг суратлари таҳсинга сазовордир.- Тамара Инаридзе Тошкентга батик усулида ишланган ўзининг ўттиз бешта суратини олиб келди. Рассомнинг сўзларига кўра ушбу усулни қиёмига етказиш мақсадида у доимий ижодий изланишда. Унинг фикрича, кўргазмада намойиш этилаётган ишлари, айниқса табиат манзаралари бу ерга ташриф буюрувчиларга Грузиянинг бой ва чиройли табиати тўғрисида тасаввур уйғотиши мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Тамара Инаридзе ижодидан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

АНЖУМАНЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳозирги кунда миллий суғурта бозори шаклланганини ишонч билан қайд этиш мумкин. Суғурта бозори нафақат таркиб топди, балки жадаллик билан ривожланиб боряпти.

Яқинда Минтақа банк ўқув марказида Ўзбекистон Республикаси суғурта фаолиятини назорат этиш Давлат инспекцияси ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан «Тиббий суғурталашни татбиқ этиш ва ривожлантиришнинг халқаро тажрибаси» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинарда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 29 та суғурта компанияларининг бевосита тиббий суғурта билан шуғулланувчи ходимлари, вакиллари қатнашдилар. Машғулотни Германиядаги ижтимоий ташкилотлардан бири бўлган SESнинг вакили, халқаро эксперт жаноб Херберт Мёллерс олиб борди.

— Семинарнинг бош вазифаларидан бири — тиббий суғуртанинг миллий тизими нечоғлик жаҳон андозаларига мувофиқ келишини кўриб чиқишдан иборат, — дейди «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Суғурта компаниясининг суғурта хизматларини ривожлантириш Департаменти бош менежери Фурқат Назаров. — Бугунги кунда ушбу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, савиясини орттириш масаласи долзарб бўлиб турибди. Ушбу масала бошқа усуллар ва йўллар билан бир қаторда яна суғуртачи мутахассислар учун турли мавзулардаги ўқув семинарларини ташкил этиш, халқаро тажриба алмашиш тадбирлари орқали ҳам ўз ижобий натижасини топмоқда.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси етакчи суғурта ташкилоти эканини ҳис этган ҳолда бу каби тадбирларни узвий равишда ташкил этиб келмоқда. Жумладан, «Ўзбекинвест»нинг ташаббуси ва ҳомийлиги билан 1995 йил Марказий Осиё минтақасида биринчи бор ABI (Британия суғуртачилар ассоциацияси) мутахассислари иштирокида суғурта амалиётлари бўйича ўқув семинари ташкил этилган. Кейинги икки йил мобайнида ҳам автомобиль суғуртаси, юкларни суғурталаш сингари соҳаларга тааллуқли йирик амалий ўқув семинарлари ташкил этилган. Бу ғалги семинар ҳам шу анъананинг давоми сифатида ўз навбатида долзарб ва қизиқарли бўлган соғлиқни суғурталаш соҳасига бағишланган.

Семинарда маърузачи тингловчиларни тиббий суғурталашнинг халқаро бозоридаги бугунги кундаги аҳвол, Германияда мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурталашни ташкиллаштириш тамойиллари билан таништириб, тарифларни ҳисоблашда халқаро микёсда қўлланиладиган методология хусусида гапирди. Шунингдек, «Мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурталашнинг бош тамойиллари, устунлик ва заифлик томонлари» ва «Ихтиёрий тиббий суғурталашни амалга ошириш тизими» хусусида батафсил тўхталди ҳамда тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Дилором ИКРОМОВА

ТАЖРИБАСИ ОШИБ БОРМОҚДА

Яқиндагина Осиё ўйинларининг ғолиби бўлган теннисимиз маликаси Ирода Тўлаганованинг халқаро майдондаги муваффақиятлари юртимизда аёллар теннисининг ривожланишига катта туртки бўлмоқда.



Қисқа муддат ичида кўплаб ёш, умидли теннисчилар етишиб чиқди. Улар орасида маҳоратлари ошиб, катта-кичик мусобақаларда ғалаба қозониб келаётганлар бор. 16 ёшли ҳамшаҳримиз Иванна Исроилова ҳам ана шундай умидли ёшларимиз қаторига киради.

Иванна теннисга анчагина кеч — 9 ёшда келган бўлса-да, аввал сузиш ва спорт гимнастикаси билан шуғулланганлиги сабабли янги спорт турида тез ўса бошлади. «Метрокурувчи» клуби кортларида теннис сирларини ўрганди.

Ўтган йилдан бошлаб Иванна Исроилова ўзининг дастлабки ғалабаларига эриша бошлади. Жумладан, август ойида Қозоғистонда ITF томонидан уюштирилган халқаро мусобақада ғолиб чиққан бўлса, бир оз кейинроқ Қозоғистондаги нуфузи юқорироқ турнирнинг финалига чиқди. WTAнинг дастлабки рейтинг очколарини Хитойда ўтган мукофот жамғармаси 25 минг долларлик мусобақада тўплади. Сўнг Малайзияда учинчи тоифадаги ITF мусобақасида ғолиб чиқди.

Жорий йилда эса Иванна Исроилова Ҳиндистон, Малайзия, Таиланддаги мусобақаларда қатнашиб, нафақат муваффақиятларини мустаҳкамлади, балки Ирода Тўлагановадан кейин Ўзбекистоннинг энг кучли теннисчиларидан бирига айланди.

Ўйлаймизки, Осиё чемпионати Иванна янги қирраларининг очилишига кўмак бериб, маҳоратининг ўсишида муҳим омил бўлади.

ҒОЛИБЛИККА АСОСИЙ ДАЪВОГАР

Олег ОГОРОДОВ, 1972 йили туғилган. Етти ёшидан бошлаб теннис ўйнашни бошлаган. 1994 йилдан профессионал теннисчи сифатида мусобақаларда қатнашиб келади.

Эришган энг юқори натижалари: 1990 йили АҚШда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон Кубогининг соҳиби бўлган. Ўша йили Югославияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Европа биринчилигининг кумуш совриндори. 1999 йили Ҳиндистонда ўтказилган Осиё Кубогида биринчи ўринни эгаллаган. Испаниянинг Кордоба шаҳри ва Самарқандда ўтказилган Челленжер мусобақаларининг ғолиби.

Олег Огородов 1999 йили Ўзбекистон Президенти Кубогида жуфтликлар ўртасида ғолиб чиққан. Катта дубулға туркумига кирувчи Австралия, АҚШ, Франция ва Англия очиқ чемпионатларида иштирок этган. Атлантадаги олимпиада ўйинлари қатнашчиси. Терма жамоалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубоги мусобақаларида саккиз йилдан буён қатнашиб келади.

Терма жамоамиз етакчиси бўлган Олег Огородов теннисчиларимиз орасида энг кўп мусобақаларда қатнашган бўлиб, иштирок этган турнирлари сони 50 тани ташкил этади. АТР рейтинги бўйича энг юқори — 101 ўринни ҳам банд этган. Ҳозирда Осиёнинг энг кучли теннисчилари рейтингида тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Бой тажрибаси ва етук маҳоратини ҳисобга олган ҳолда Олег Огородовни Осиё чемпионатининг ғолибликка асосий даъвогарларидан бири сифатида тавсифлашимиз мумкин.

КАТТА МАҲОРАТ СОҲИБИ

Вадим КУЦЕНКО. 1977 йили туғилган. Олти ёшидан Тошкентдаги «Динамо» клубида теннис билан шуғуллана бошлаган. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси. 1994 йилдан профессионал теннисчи мақомига эга.

Вадим катта теннисда бир қанча салмоқли муваффақиятларга эришган. Жумладан 1997 йили Ҳиндистонда ва 1998 йили Японияда ўтказилган халқаро мусобақалар ғолиби бўлган. 1998 йили Таиландда ўтказилган Осиё ўйинлари Ўзбекистон терма жамоаси таркибида турнирда учинчи ўринни эгаллаган. 1999 йили Ҳиндистонда ўтказилган Осиё Кубогининг соҳиби бўлган. 1999 йили Туркияда, келаси йили эса Ҳиндистонда ўтказилган Челленжер мусобақаларида зафар қучган.

Дэвис Кубоги мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида 1995 йилдан қатнашиб келади.

АТР (профессионал теннисчилар ассоциацияси) рейтингида эгаллаган энг юқори ўрни — 154. Ҳозирги кунда Осиёнинг энг кучли теннисчилари сафида бешинчи ўринда бормоқда.

Вадим Куценко кўп йиллардан буён Олег Огородовдан кейин Ўзбекистоннинг иккинчи ракеткаси ҳисобланади. Осиё чемпионатининг сараланган ўйинчилари рўйхатида ҳам иккинчи ўринни банд этиб турибди. Агар барча рақибларини енгса мусобақа қуръаси натижаларига кўра Олег Огородов билан (агар у ҳам яхши ўйнаса) финалда учрашиши мумкин.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Ўринли мулоҳазалар билдирилди

Ҳозирги кунда таълим тизимида жиддий ислоҳотлар ўтказиш, ўрта мактаблар, коллеж, лицей, гимназияларни замонавий технологиялар билан таъминлаш давр талаби.

Тошкент тиббиёт коллежига йиғилган шаҳримиздаги коллеж, лицейлар раҳбарлари иштирокида ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази бошқарув кенгашининг йиғилишида юқоридаги масалалар ҳақида сўз борди. Унда асосан жорий йилги ўқув мавсумига академик лицейлар, коллежлар қай тарзда тайёргарлик кўрганлиги муҳокама этилди. Дарвоқе, ўрта махсус таълим тизими муассасалари ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари замонавий ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланганми ёки ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар борми, деган саволга жавоб ахтаришарканлар, анжуман қатнашчилари бу борадаги камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Зеро, ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш келажагимиз равнақининг муҳим омилидир.

(Ўз мухбиримиз)

Янги ўқув қўлланмаси

Янги ўқув йили муносабати билан тиббиёт фанидан бир қатор дарслик ва қўлланмалар босилиб чиқди. Улар орасида «Ҳамширалик иши ва амалиёт ўтаётган тиббиёт ҳамширалари ўқитувчилари учун раҳбарлик» деб номланган бу ўқув адабиёти жаҳон андозалари талаблари асосида ёзилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Эътиборли томони яна шундаки, уни ёзишда данялик шифокор олимлардан Лис Алманде, Дорис Христенсен, буюк британиялик Джейн Сэлвидж ҳамда ўзбекистонлик Турсунхон Умаровалар муаллиф сифатида қатнашдилар.

Янги қўлланмани босмага тайёрлашда Даниядаги тиббиёт фирмаси маслаҳатчилик вазифасини бажарди. Республика «Саломатлик» лойиҳаси доирасида нашрдан чиққан мазкур китоб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигида юзага келди.

Бундай қўлланма мамлакатимизда биринчи бор чоп этилиб, тиббиёт ўқув юртларига тарқатилди.

(Ўз мухбиримиз)

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун шароит яратиш — тарбиянинг муҳим омилларидан эканлиги кундек равшан.

Бир қадам йўл

Чунки билиб-билмай адашиб жиноятчилик кўчасига кириб қолган ёки «аср вабоси» бўлмиш гиёвандлик балосига йўлиққан инсонлардан, айниқса ёшлардан яхшилик кутиш қийин. Шу боис ҳам енгил-елпи ҳаёт «кучоғи»га ўзини отганларнинг аянчли тақдири оқибатларини ёшларга тушунтиришда санъатнинг роли катта.

Ўзбек миллий академик драма театрида режиссёр Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилган Усмон Азим қаламига мансуб «Бир қадам йўл» спектакли юқоридаги мавзуга бағишланган. Инсон ҳаётига офат келтирувчи гиёвандликни қоралашни ўз олдига мақсад қилган ушбу саҳна асарида асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Толиб Каримов, Теша Мўминов ҳамда Республикада хизмат кўрсатган артист Саида Раметова маҳорат билан ижро этишган.

Ёшлар тарбиясига бағишланган ушбу спектакль томошабинларга манзур бўлмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Тегишли хулоса чиқаришди

Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ. Шундай экан, ёшларнинг нопок йўлга қадам қўяётганини сезганда уларни бу йўлдан қайтариш мақсадга мувофиқдир.

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Миробод тумани бўлими туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан биргаликда комиссия ҳисобида турувчи тарбияси оғир 40 нафар ўсмирларни махсус ёпиқ турдаги кучайтирилган режимдаги вояга етмаганлар колониясига олиб боришди.

— Ўсмирларни у ерга олиб боришимиздан мақсад, — дейди болалар ташкилоти раиси Мунира Кочкарова, — жиноят қилган болалар, ёшларнинг виждон азобида қолишини, ота-онасидан айриликда яшашини, муҳими, озодликдан маҳрум этилганини кўрсатиш эди. Ёшлар буни кўриб фикр юритишсин, жиноят йўлидан қайтишсин. Назаримда, қисман бўлса-да ўйлаган ниятимизга эришдик. Чунки қайтаётганимизда айрим болалар таъсирланганидан кўзида ёш билан тавба қилишди. Демак, уларни бу нопок йўлдан қайтишларига умид бор.

Акида ИСЛОМОВА

Амалий тадбирлар

Мустақиллик халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини, энг муҳими ўзлигини англашга кенг йўл очиб бердики, бу албатта юртдошларимизнинг келажак пиллапояларига оғишмасдан қадам қўйишларида муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда Мустақиллик, истиқлол ғояларини кишилар онгига сингдириш, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш ҳамда жамоатчиликни бунга жалб қилиш мақсадида шаҳримизнинг барча туман ҳудудларида амалий тадбирлар олиб борилмоқда.

Бектемир тумани Маънавият ва маърифат маркази ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан «Миллий истиқлол ғояси» мавзуси остида тумандаги барча мактаб, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда ўтказилаётган тадбирлар юқоридаги мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда.

— Бу борадаги ишларда туманимизнинг барча маҳаллалари фаоллари бизга яқиндан ёрдам беришмоқда, — дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Йўлдош Хўжаев. — Асосан, тадбирларимиз амалий тарзда ўтишини кўзлаб, биз мактаб ўқувчиларини «Шаҳидлар хотираси» музейига олиб бориб, уларни яқиндан таништиришни режалаштирдик. Чунки, ёшларимиз Мустақиллик, озодлик учун курашган фидойилар тақдирини нечоғлик яхши билсалар, истиқлол неъматини кўз қорачиғидек сақлашга ва уни асраб-авайлашга ҳаракат қиладилар. Зеро, ёш авлод юртимиз эгаларидир.

Озода РАҲМАТОВА

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Юмшоқ тилнинг қаттиқ жароҳати

Халқимизда шундай ибора бор: «Камон ўқи хато кетиши мумкин, лекин тил билан отилган ўқ...» Оллоҳнинг ўзи ана шу тил ўқидан асрасин. Буниси бало-қазодан кишига ҳар томонлама жиддий жароҳат етказмай қўймайди.

Хизматдан қайтиб уйимиз йўлаги олдида «Тез ёрдам» машинасини кўрдиму кимга келишди экан, хотинимнинг яна қон босими кўтарилдимикан, деган хаёлда зумда учинчи қаватга кўтарилдим.

Эшик қўнғироғига пешвоз чиққан Манзуранинг жилмайиб турган чеҳрасини кўриб «Э худо, ўзингга шукр», дедим ўзимга ўзим ичимда.

— Хайрият-е, саломат экансан, йўлагимиз олдида «Тез ёрдам» машинасини кўриб капалагим учиб кетди, хотин.

— Моҳира опага келди, адаси. Иккинчи қаватдаги қўшни нари бояқишнинг бамисли жонини суғуриб олди.

— Нима гап бўлди?

— Арзимаган нарса, бояқишнинг қизи ўғли билан келган экан, бола-да уйда у ёқдан-бу ёққа дўпирлатиб югурибди.

— Югурса нима қилибди?

— Нимасини айтасиз адаси,бу қўшни роса жанжал қилди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқди, биласизми нима деди?

— У қўшнининг феъли маълумку, бу тўғрида сенга неча бор айтганман. У билан гаплашганда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак бўлади, кези келса эркак киши унга бас келолмайди-ю...

— Шундай деб юра бериш керакми, андишанинг оти кўрқоқ, деганлари шу эмасми? Унинг гапирган гапи, — дея хотиним ҳозиргина дамлаб келган чойни қайтардида бошини сарак-сарак чайқаб сўзида давом этди. — Моҳира опа у ёқда турсин, менинг суяк-суягимдан ўтиб кетди.

— Нима деди, қичқириқ қилиб гапира қолсанг-чи?!.

— Асрандинг билан қўшмозор бўл, деса бўладими.

— Нима, шундай дедими?

— Айтяпман-ку, андишанинг оти кўрқоқ деб юра берилса, шунга ўхшаш андишасизлар бошингизга чиқиб олади. Сиз маҳаллада фаолсиз, бир ўртага олиб тартибга чақириб қўйилса бўлмайдими?

— Аслида бундайлар қонун олдида жавоб бериши керак, хотин. Моҳира опа бир етимчанинг бошини силаб, қалб қўри билан оналик меҳрини бериб оқ ювиб, оқ тараб ўстирган экан, бу олижаноблик эмасми? Бечоранинг оила қуриб, икки фарзандинг онаси бўлган чоғида унинг асранди эканлигини юзига солиш, камситиш керакми?

— Моҳира опадек меҳри дарё инсонлар билан фахрланасак арзийди. Бундай саховатли иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мен Моҳира опани жамиятимизнинг энг бахтлиларининг бахтлиси деб биламан. Ширандан-шакар икки набираси билан бағри тўлиб, қизи, куёв ўғли, қариндош-уруғ, куда-андаларнинг ҳурматини қозониб яшашнинг ўзи катта бахт, билсанг.

— Менам шуни айтаман-да, бу ноинсоф, дилозор қўшнимиз ҳам шуларни назарда тутиб муомала қилса бўлмасмиди.

— Сен тўғри айтдинг хотин, чойингни қўятур, овқатинг тайёр бўлса олиб келақол, мен шу бугуноқ идорада бу масалани кўтараман. Энди бунинг олдини олиб қўшнини тартибга чақириб қўймасак, охири яхши бўлмайди.

Шу пайт эшик қўнғироғи чалиниб, Моҳира опанинг қизи Гўзал кўзларида ёш билан: «Ойимларнинг мазалари қочиб қолди, шифохонага олиб бориш керак экан, ўғлим сизларникида бўлиб турсин», — деди.

Ёрдамлашиб Моҳира опани пастга олиб тушдик. Шифосини сўраб шифохонага кузатдик.

Маҳалла идорасида бу масала кўтарилиб, қўшни аёлни чақиртириб келдик.

— Қилган ишингизни биласизми, — деди оқсоқол. Жавоб бўлмади...

— Бунинг учун қонун олдида жавоб беришингиз кераклигини биласизми? Маҳалламизда ибратли оилалардан бири шу Моҳира опа оиласи эмасми?- Толибжон ака хизмат сафари билан ҳозир уйида эмас. Бир кори-ҳол юз бериб қолса нима деган одам бўласиз?

— Мени кечиринглар, ниҳоят тушунгандайман.

— Гапнинг қисқаси, ҳар киши ким бўлишидан қатъи назар ўзга бир кишининг нафсониятига тегиб, шахсини камситиши бу яхши эмас, маслаҳатим, эртага шифохонага бориб кечирим сўранг, — деди оқсоқол.

— Тавба қилдим, ишонинглар, лекин борсам ярасини янгилаб қўймасмиканман, — деди илтижоли синиқ овозда дилозор қўшни.

— Менимча хурсанд бўлади, тезроқ оёққа туриб соғайиб келишига далда бўлади, — деди маҳалла фаолларидан бири.

— Мен бирга борай, — деди хотин-қизлар кенгаши раиси.

— Жуда яхши фикр, маҳалла ҳисобидан совға-саломга пул ҳам олинди.

— Йўқ, мен ўзим, — деди тавбасига таянган қўшни.

...Мана шу воқеага ҳам анча бўлиб қолди. Қўни-қўшнилар бир-бировлари билан иноқ, опа-сингилдек бўлиб кетишди. Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши деганлари шу эмасми?

Қўшниларнинг бир-бирларига ҳурмат юзасидан қараб яхши муносабатда бўлишларида маҳалланинг, унинг фаолларининг роли катта ва бу борада қилинаётган ишлар ўз ўрнида таҳсинга сазовордир.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ

Газдан хавфсиз фойдаланинг

Бугунги кунда шаҳримизнинг барча хонадонлари газлаштирилган бўлиб, ундан тўғри ва унумли фойдаланиш қоидаларини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай бўлсада кўп ҳолларда газдан тўғри фойдаланмаслик оқибатида турли кўнгилсиз ҳодисалар учраб турибди. Уларнинг олдини олиш эса барчамизнинг вазифамиз. Қолаверса биз газдан тежаб-тергаб фойдаланишимиз лозим. Чунки у мушкулимизни осон қилиб, қишда хонадонимизни иситади. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига асосан шаҳримизда «Газдан хавфсиз фойдаланиш» икки ойлигининг ўтказилиши ҳам ана шу юқорида айтиб ўтилган хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган.

Шаҳримиздаги туман газлаштириш бўлимларида бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

Биз «Бектемиртумангазтаъминоти» корхонаси устаси Шерали Мирзаевдан шулар тўғрисида гапириб беришни сўрадик.

— Туманимизда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан туман ҳокимлиги ҳамда газ ва ёнғиндан сақлаш бўлимлари биргаликда керакли режа асосида ишни ташкил этиб фаолият юритмоқда. Жумладан, маҳаллаларда, уй-жой ширкатларида, корхоналарда, ташкилотларда, ўқув масканларида учрашувлар, радио орқали суҳбатлар ҳамда бевосита тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз.

Ана шундай тадбирларни «Қўйлиқ» деҳқон бозорида, «Иргидромаш», «Сувмаш, ТошАТЭК, «Тошкент мотор» корхоналарида, Бектемир, Миришкор, Обод, Бинокор, Мажнунтол, Уюшма уй-жой ширкатлари ва маҳаллаларда ўтказдик. Туман кинотеатрларида эса ушбу мавзуда кинофильмлар намойиш этмоқдамиз. Туман ёнғиндан сақлаш назорати ходимлари билан биргаликда хонадон ва корхоналарда умумий текшириш ишлари, суҳбат ва турли тадбирлар ўтказиб, қоида бузган хонадон ва ташкилотларга маъмурий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, ўзбошимчалик билан газ тармоғидан фойдаланган хонадонлардан шу йилнинг ўн ойи мобайнида 405089 сўм ёқилғи газ ҳақи ундириб олинди. Шу билан бир қаторда бу йил хусусий хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатишни режа асосида биринчи бўлиб бажардик. Ходимларимиз қишга тайёргарлик ишларини ҳам ўз вақтида бажаришяпти. Ҳозирги кунга қадар 1 километрли газ қувурлари бўялиб қайта таъмирланди. Баркамол, Оҳангарон кўчалари йўналишларига янги газ қувурлари ётқизилиб ишга туширилди. Шу билан бир қаторда кўп қаватли уйларга режа асосида газ ҳисоблагич ўрнатиш ишларини бошлаб юбордик. Бу ишлар албатта табиий газдан тежамкорлик билан фойдаланиш омилидир. Ҳамшаҳарларимизга шуни алоҳида эслатиб ўтмоқчи эдимки қандай шароитда бўлмасин газ асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг.

(Ўз мухбиримиз)

«050» — «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ХАБАРЛАРИ

Сувдан чиқарилди

● Қутқарув хизмати»нинг навбатчилик қисмига Яккасарой туманидан оқиб ўтувчи «Бўрижар» анҳорида номаълум кишининг жасади сув ичида ётганлиги ҳақида хабар келди. Қутқарувчилар жасадни сувдан олиб чиқиб, уни шу туман ИИБ профилактика нозири, милиция лейтенанти Ш.Эшқобуловга топширдилар.

Газ тўхтатилди

● Шайхонтоҳур тумани, 13-даҳа, 9-уй, 64-«а» хонадондан газ чиқаётганлиги ҳақида хабар олинди. Қутқарув хизмати ходимлари уй эгасининг йўқлиги учун профилактика нозири, милиция лейтенанти С.Суяров гувоҳлигида эшикни очиб, газни тўхтатдилар.

Ёнғин ўчирилди

● Шаҳардаги «Фуқаро муҳофазаси» институтининг янги қурилаётган икки қаватли биносининг юқори қисмида ёнғин содир бўлди. Қутқарувчилар Тошкент шаҳар Ёнғинга қарши кураш бошқармаси ходимлари билан биргаликда ёнғинни ўчирдилар. Ёнғин сабаблари аниқланмоқда.

Ёмоннинг бир қилиғи

● «Қутқарув хизмати»нинг навбатчилик қисмига Юнусобод тумани, Машинасозлар кўчаси, 4-уй, 37-хонадонда яшовчи нафақахўр Сергей Марков қўнғироқ қилиб, унинг катта ёшдаги ўғли уйни ичидан қулфлаб олиб очмаётганлиги ҳақида ёрдам сўради.

Қутқарувчилар бориб махсус асбоблар ёрдамида эшикни очиб беришди. «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ» деб ана шунга айтишади-да.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот маркази раҳбари.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек Давлат цирки» Республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат ЦИРКИ

2002 йил 1 ноябрдан 10 ноябргача

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
Кузги таътил кунларида
ЦИРК! ЦИРК! ЦИРК!

ДАСТУРДА!
«ТУЯЛАРДАГИ АКРОБАТЛАР»
халқ артисти ҲАКИМ ЗАРИПОВ
бошчилигидаги
«ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ»
иштирок этади. Шунингдек, ўргатилган кучуклар, гимнастлар, жонглёрлар ва қувноқ масхарабозлар иштирокидаги катта ранг-баранг дастур

Томошалар: 1 ноябрда — 18.00да; 2,3 ноябрда — 12.00, 15.00, 18.00да;
4-8 ноябрда — 11.00, 14.00да; 9-10 ноябрда — 12.00, 15.00, 18.00да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9 дан очиқ.

Маълумотлар учун телефонлар:144-29-04, 144-36-91.

Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси департаменти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ТАНЛОВ

Ҳурматли умумий овқатланиш соҳасининг пазандалари!

Умумий овқатланиш соҳаси пазандаларининг маҳорат даражасини ошириш мақсадида 2002 йил 5-9 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Шарқ» ресторанида умумий овқатланиш соҳаси мутахассисларининг иккинчи шаҳар кўрик-танлови ўтказилади.

Танлов ғолиблари мукофотлар ва Европа мамлакатларида ўтказиладиган моҳир ошпазларнинг умумжаҳон олимпиадасига йўлланма билан тақдирланади.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри мутахассисларидан аризалар 2002 йил 26 октябргача Ташкилий қўмитада қабул қилинади.

Танлов шарти: танлов иштирокчиларининг ёши 18-45 ёш ва ундан юқори бўлиши керак.

Манзил: Моваройннахр кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси департаменти, 34-хона.

Тел: 133-79-17, 136-00-89.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.